# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2011 йил 19 май, № 98 (5265) Пайшанба


## Ўзбекистон — Ҳиндистон:

# ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ВА ТЕНГЛИККА АСОСЛАНГАН УЗОҚ МУДДАТЛИ СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК

### Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Ҳиндистонга давлат ташрифи якунларига доир



Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2011 йил 17-18 май кунлари давлат ташрифи билан Ҳиндистон Республикасида бўлди.

Ҳиндистон томонининг ташаббусига биноан ушбу ташрифга халқаро тажрибадаги энг олий — давлат ташрифи мақоми берилди. Бунда икки томонлама ҳамкорликнинг юксак даражада ривожланаётгани, шу билан бирга, ўзбек ва ҳинд халқлари ўртасидаги ҳар томонлама дўстлик алоқаларининг кўп асрлик қадим илдизлари инобатга олинган.

Ҳиндистон ноёб тарихга эга, юртимиз билан азалий ва мустаҳкам маданий ва савдо-иқтисодий алоқалар, энг муҳими, самимий дўстлик риштaлари билан боғланган мамлакат сифатида яхши маълум.

Ўзбек ва ҳинд халқларининг тарихи, адабиёти, мусиқаси, тасвирий санъати ва меъморчилигида ҳам муштарак жиҳатлар кўп. Уларнинг бир-бирини яқиндан билиши, маданиятини ўзаро бойитиши кўп жиҳатдан буюк аждодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан боғлиқ.

Ташрифнинг расмий қисми Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шарафига Ҳиндистон Президентининг "Раштрапати Бхаван" саройи олдидаги майдонда ўтказилган тантанали кутиб олиш маросими билан бошланди. Ўзбекистон раҳбарига олий даражада иззат-икром кўрсатилди.

Шу ернинг ўзида оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлган учрашувда Ўзбекистон Президенти матбуот учун қисқача баёнот бериб, саммитнинг юксак савиясини намоён этувчи ушбу давлат ташрифидан кўзланган мақсад ҳамда вазифалар ҳақида сўзлади. Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболини танқидий таҳлил қилиш зарурлигини таъкидлади. Иккинчи муҳим жиҳат — мамлакатларимизни бир хилда ташвишлантираётган ва қизиқтираётган халқаро ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокамасидир. Учинчидан, ишга солинмаётган имкониятлардан фойдаланиш, сиёсий, иқтисодий, сармоявий ва маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро ҳамкорлик кўламини кенгайтириш орқали Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатларига янгича суръат бахш этиш.

Ташриф расмий қисмининг дастлабки воқеаси Бош вазир Манмоҳан Сингх билан тор доирадаги учрашув бўлди. Унда икки мамлакат раҳбарлари ўзаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболини атрофлича муҳокама қилиб, мамлакатларимиз ва халқларимиз манфаатларига бевосита тааллуқли бўлган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашдилар.

Икки мамлакат раҳбарлари Ўзбекистон — Ҳиндистон муносабатларига доир кенг кўламли масалалар, шунингдек, БМТ, ШҲТ ва бошқа халқаро тузилмалар доирасидаги самарали ҳамкорлик юзасидан ўзаро ишонч ва очиқлик руҳида фикрлашдилар. Ўзбекистон Ҳиндистоннинг БМТ Хавфсизлик кенгашининг кенгайтирилган таркибига доимий аъзо бўлиш борасидаги интилишларини изчил қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Музокарада икки томонлама, минтақавий ва глобал даражадаги деярли барча масалалар бўйича ёндашувларнинг ўхшаш ва яқинлиги қайд этилди. Ўзбекистон ҳам, Ҳиндистон ҳам тенг ҳуқуқлилик ва манфаатларни ўзаро ҳурмат қилиш асосида ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор экани таъкидланди.

Томонлар қўшни Афғонистондаги вазиятни муҳокама қилиб, ушбу мамлакатда тезроқ тинчлик ва барқарорлик қарор топиши муҳим аҳамиятга эга эканини таъкидладилар. Зеро, бу нафақат минтақавий ҳамкорлик учун улкан имкониятлар яратади, айни пайтда Ҳиндистон ва Ўрта Осиё бозорлари ўртасидаги масофани қисқартирадиган иқтисодий фойдали йўналишларни шакллантириш ва ривожлантиришга ҳам хизмат қилади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, янги "Ўрта Осиё — Форс кўрфази" ва Трансафғон йўлаги ерусти транспорт коридорларининг шакллантирилиши туфайли юзага келадиган имкониятларга қизиқиш ортиб бормоқда.

Президент Ислом Каримов ва Бош вазир Манмоҳан Сингхнинг расмий делегациялар аъзолари иштирокида ўтказилган кенгайтирилган таркибдаги икки томонлама музокарасида ҳам шу ва бошқа масалалар атрофлича муҳокама қилинди.

Олий даражадаги музокарада савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Иқтисодиёти юқори суръатларда ўсаётган Ўзбекистон ва Ҳиндистон учун икки томонлама товар айирбошлашнинг бугунги ҳажми қониқарли эмаслиги таъкидланди.

Ўзбекистон Ҳиндистон компанияларининг улар ўзлари илғор технологик салоҳиятга эга бўлган тармоқларда сармоявий ҳамкорликни ривожлантириш борасидаги интилишларини қўллаб-қувватлайди. Шу маънода "Спентекс Индастриз" компанияси билан ҳамкорлик муваффақиятли шерикликка яхши мисолдир. Ўзбекистон тўқимачилик саноатига йирик миқдорда сармоя киритаётган компаниялардан бири бўлган "Спентекс Индастриз" билан ҳамкорликда пахта хом ашёсини қайта ишлаш бўйича қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Фармацевтика компанияларида, нефть-газ соҳаси ва кимё саноатида ҳам талай йирик лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Ҳиндистон ишбилармон доиралари вакиллари Навоий шаҳри аэропортидаги қитъалараро интермодал хабда очилаётган имкониятларга қизиқиш билдирмоқда. Транзит юклаш ва тушириш маскани бўлган бу хаб Европа, МДҲ, Яқин Шарқ мамлакатлари ва дунёнинг бошқа минтақаларига оптимал муддатларда ўзаро юклар ташилишини таъминлайди. Ҳозирги кунда ушбу халқаро хабдан жаҳоннинг етакчи транзит нуқталарига, жумладан, Ҳиндистоннинг Деҳли ва Мумбай каби саноат марказларига мунтазам равишда қатновлар амалга оширилмоқда.

Томонлар ўзаро ҳамкорликнинг энг истиқболли йўналишларидан бири сифатида ахборот технологиялари соҳасини, биринчи галда, ҳиндистонлик мутахассислар ҳақли равишда дунёда етакчи ўрин тутадиган дастурий маҳсулотлар ва телекоммуникация ускуналари ишлаб чиқариш, масофали таълим ва бошқа тармоқларни қайд этдилар. Шу маънода беш йил муқаддам Тошкентда очилган Жавоҳарлаъл Неру номидаги Ўзбекистон — Ҳиндистон ахборот технологиялари маркази оммавийлашиб бораётгани таъкидланди. Бу ерда ёш мутахассислар энг илғор усуллар бўйича таълим олмоқда, дастурлашнинг замонавий тамойиллари кенг жорий қилинмоқда.

Ташриф доирасида "Ўзбектуризм" миллий компанияси билан Ҳиндистон сайёҳликни ривожлантириш корпорацияси ўртасида имзоланган "Сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича саъй-ҳаракатлар дастури" сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш борасида манфаатлар муштараклигининг тасдиғи бўлди.

Илмий-техникавий ҳамкорлик борасида кенг имкониятлар мавжуд экани қайд этилди. Ўзбекистонлик олимлар ва илмий марказлар вакиллари физика, биотехнологиялар, материалшунослик, қуёш энергетикаси, лазер технологиялари, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш каби соҳаларда ҳиндистонлик ҳамкасблари билан қўшма тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга тайёр экани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари, шунингдек, Ҳиндистоннинг бошқа олий мартабали раҳбарлари — Президент Пратибҳа Патил, Вице-президент, Парламентнинг юқори палатаси Спикери Ҳамид Ансари, ташқи ишлар вазири Соманахалли Малайя Кришна билан учрашиб, самарали музокаралар ўтказди. Ҳиндистон протоколига биноан Парламент қуйи палатасидаги мухолифат етакчиси Сушма Свараж билан мулоқотда бўлди.

Ўзбекистон раҳбари Маҳатма Ганди ёдгорлик мажмуига ташриф буюрди ва бутун умрини миллий озодлик курашига бахшида қилган ҳинд халқининг буюк фарзанди хотирасига ҳурмат бажо келтириб, гулчамбар қўйди.

Умуман, музокаралар қатнашчилари ҳамда Ўзбекистон Президентининг давлат ташрифини ёритган Ҳиндистон оммавий ахборот воситалари ходимлари эътироф этганларидек, олий даражадаги Ўзбекистон — Ҳиндистон мулоқоти, имзоланган узоқ истиқболга мўлжалланган ҳужжатлар икки томонлама ҳамкорлик ривожига кучли суръат бахш этиш учун яхши замин бўлиб хизмат қилади.

Стратегик шериклик тўғрисидаги Қўшма баёнотда таъкидланганидек, икки томонлама муносабатлар тенглик ва ўзаро англашув тамойиллари асосидаги узоқ муддатли стратегик шериклик даражасига кўтарилди. Стратегик ҳамкорлик кенг кўламли йўналишларда, жумладан, сиёсат, иқтисодиёт, терроризмга қарши кураш, шунингдек, таълим, соғлиқни сақлаш, инсон ресурсларини, илм-фан ва технологияларни, сайёҳлик ва маданиятни ривожлантириш соҳаларида ҳамкорликни фаоллаштиришни назарда тутади.

Ташриф асносида иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлик доирасида ёқилғи энергетикаси, ахборот технологиялари, тўқимачилик, фармацевтика, банк соҳаси ва савдо-сотиқни ривожлантириш борасида алоқаларни тубдан кенгайтиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланди. Ўттиздан зиёд, жумладан, Ҳиндистоннинг етакчи "Ойл энд начурал гэз корпорейшн" нефть-газ компанияси билан ҳамкорликда углеводород захираларини излаш, разведка қилиш ва ўзлаштиришга, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида оптик толали кабель ишлаб чиқаришга қаратилган лойиҳаларни, субстанциялар ва турли тиббий дори воситалари ишлаб чиқариш бўйича қатор лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Етакчи йирик тўқимачилик компаниялари билан пахта, ипак ва тери хом ашёсини чуқур қайта ишлаш ҳамда тайёр маҳсулотлар савдоси бўйича ҳужжатлар имзоланди. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида смартфонлар, планшетли компьютерлар ва интернет-приставкалар, шунингдек, қуёш-гибрид технологиялари асосида электр таъминоти манбалари ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга келишиб олинди. Имзоланган ҳужжатлар кимё соҳасида ҳам қатор лойиҳаларни амалга оширишни кўзда тутади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан Ҳиндистоннинг Экспорт-импорт банки ўртасида узоқ муддатли имтиёзли шартлар билан кредит линияси тақдим этиш тўғрисидаги битим имзоланди. Ушбу битимга мувофиқ, минерал ўғит ва бошқа стратегик товарларни йирик миқдорда ва узоқ муддатли асосда етказиб бериш ҳужжатлари расмийлаштирилди.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат ташрифи асносида имзоланган иқтисодий соҳага оид ҳужжатларнинг умумий қиймати 2,2 миллиард АҚШ долларидан ошади.

Томонларнинг умумий эътирофига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ҳиндистонга давлат ташрифи якунлари, ўтказилган музокаралар ва имзоланган ҳужжатлар ўзаро муносабатларнинг ҳамкорликнинг барча йўналишларида узоқ муддатга мўлжалланган стратегик шериклик тамойилларига асосланган янги босқичи учун мустаҳкам замин бўлади.

**(ЎзА).**

**СУРАТДА:** Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Манмоҳан Сингх.

**Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат.**

# «ЎЗБЕКИСТОНДА СУВНИ ТЕЖАЙДИГАН ИННОВАЦИЯЛАР ҲАМДА УСУЛЛАРНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА»

*Шу йилнинг 12-13 май кунлари пойтахтимизда иш олиб борган VI Умумжаҳон сув форумига тайёргарлик бўйича минтақавий конференция ишчан кайфиятда, юксак самарадорлик руҳида ва муваффақиятли ўтди. Буни унинг қатнашчилари — таниқли экспертлар, олимлар, экология ҳамда сув хўжалиги бўйича мутахассислар, кўплаб халқаро ташкилотлар, экологик ҳаракатлар ва молия институтлари вакиллари ҳам алоҳида эътироф этдилар. Мазкур нуфузли анжуманда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, тизимга тежамкор усулларни татбиқ этиш, минтақада экологик вазиятни яхшилаш каби бир қатор мавзулар муҳокама қилиниб, якуний ҳужжат имзоланди. Конференция иштирокчилари халқаро ҳамжамиятни ва VI Умумжаҳон сув форуми қатнашчиларини Марказий Осиё минтақасида барқарор ривожланиш ва экологик мувозанатни сақлашда кўмаклашишга даъват этдилар.*

*"Халқ сўзи" мухбирлари тадбир иштирокчилари билан суҳбатда бўлди.*

## Сўз — халқаро конференция иштирокчиларига

**Исаак АЛСТЕР, сув масалалари бўйича ҳуқуқшунос (Исроил):**

— Сув таъминоти билан боғлиқ муаммолар глобаллашув жараёнида, айниқса, долзарб маъно касб этмоқда. Ўзим ҳуқуқ соҳаси вакили бўлганим учун ушбу масалани умумэътироф этилган принциплардан келиб чиққан ҳолда ҳал этиш энг оқил йўл, деб ҳисоблайман. БМТнинг 1992 йил 17 мартдаги Трансчегаравий очиқ сув оқимлари ва халқаро кўлларни муҳофаза қилиш ҳамда фойдаланиш бўйича ва 1997 йил 21 майдаги Халқаро очиқ сув оқимларидан кемалар қатнамайдиган турда фойдаланиш ҳуқуқи тўғрисидаги конвенцияларида ҳам мазкур механизм ўз ифодасини топган.

Ўзбекистоннинг бу борада мустаҳкам норматив базага эгалиги ва у ҳар томонлама халқаро андозаларга уйғун эканлиги демократик давлатнинг ёрқин жиҳатларидандир. Президентингизнинг нуфузли минбарлардан туриб, трансчегаравий сув оқимларидан оқилона, адолатли тақсимот асосида фойдаланиш бўйича билдирган фикрлари, жумладан, бу каби сув ҳавзаларида турли лойиҳаларни амалга оширишдан олдин уларни мустақил халқаро экспертизадан ўтказиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлагани халқаро ҳуқуқ тамойилларига тўла ҳамоҳангдир. Иккинчи тарафдан, бундай холис экологик ва техник текширув трансчегаравий дарё бўйларида жойлашган мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий, социал-экологик вазиятига қай даражада таъсир ўтказиши, керак бўлса, бу борадаги хавф-хатар кўламини аниқлаш имкониятини беради.

**Йвонне ДЕРНЕДДЕ, Германия геофанлар бўйича тадқиқот марказининг CAWa лойиҳаси мувофиқлаштирувчиси ўринбосари:**

— Бугун сув ресурсларидан интеграциялашган бошқарув асосида фойдаланиш ғоятда муҳимдир. Мазкур тизим келишилган ҳолда обиҳаётни оқилона, тежамли ишлатиш имконини беради. Гидросфера соҳасида компромисга эришишнинг яна бир аҳамиятли томони, у келажакда эҳтимоли катта бўлган жиддий экологик-социал бекарорликларнинг олдини олади.

Эътиборлиси, мамлакатингизнинг атроф-муҳитни асраш, табиат неъматларини кўз қорачиғидек авайлаш, шу жумладан, Оролни қутқариш бўйича кўрсатаётган ташаббуслари, таклифлари ҳаётийдир. Ва улар амалиётда ўз самараларини бераётганининг боиси ҳам аслида шунда.

Таъкидлашни истардимки, Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги, хусусан, ирригация тизимига сувни тежайдиган инновациялар ҳамда усулларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу эса эътирофга лойиқдир.

(Давоми 2-бетда).

## КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

***Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланиб, фуқароларнинг ўз салоҳиятларини тўла рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда. Бу эса, ўз навбатида, жамиятда манфаатлар мувозанатини таъминлашда қўл келаяпти.***

# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА ИЖТИМОИЙ МУНОСАБАТЛАР

Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзуидаги маърузасида таъкидлаганидек, фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда, уларнинг ролини кучайтиришда "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу соҳадаги хорижий давлатлар тажрибасига эътибор қаратсак, ижтимоий шерикликнинг икки моделини ажратиб кўрсатишимиз мумкин: трипартизм ва бипартизм. Меҳнат муносабатларини тартибга солишда давлатнинг роли катта бўлмаган мамлакатларда (АҚШ, Канада, Буюк Британия) иш берувчилар бирлашмалари ва ходимлар ташкилотлари ўртасида икки томонлама ҳамкорлик амал қилади.

(Давоми 2-бетда).

## Электрон тижорат:
# ҚУЛАЙ, ЗАМОНАВИЙ ВА САМАРАЛИ

***Электрон тўлов ва тижорат тизимининг афзалликлари нимада? Бунга кўпчиликнинг қизиқиш билдириши бежиз эмас. Чунки мазкур тармоқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг равнақ топиши, соғлом рақобат муҳитини мустаҳкамлаш, иқтисодий барқарорликни таъминлаш, хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида тўлов операцияларини тез ва сифатли амалга ошириш, географик жойлашувидан қатъи назар, дунёнинг исталган еридан ҳамкор топиш, маҳсулотларни жаҳон бозорига олиб чиқишда муҳим омилдир. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, давлат эҳтиёжлари учун электрон харидни амалга ошириш бюджет харажатларини 20 — 40 фоизга, тадбиркорлар учун эса ишлаб чиқариш ва маҳсулот таннархини 5 — 10 фоизга камайтириш имконини беради.***

Бу Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган “Электрон тўловлар тўғрисида”ги ва “Электрон тижорат тўғрисида”ги қонунларни такомиллаштириш: амалиёт, муаммолар ва ечимлар” мавзуидаги илмий-амалий семинарда атрофлича муҳокама қилинди.

Дарҳақиқат, тадбирда қайд этилганидек, мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини ҳаётга кенг жорий қилиш, автоматлаштирилган бухгалтерия ҳисобини юритиш, электрон тўлов ва электрон рақамли имзо каби йўналишлар тараққиёти учун меъёрий-ҳуқуқий пойдевор яратилган. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида”, “Электрон тижорат тўғрисида”, “Электрон тўловлар тўғрисида”, “Электрон рақамли имзо тўғрисида”-ги қонунлари ва Вазирлар Маҳкамасининг “Электрон тижоратни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ана шулар жумласидандир.

**Парламент ҳаёти**

Ушбу ҳужжатлар асосида бугун молия муассасалари томонидан ҳисобларни масофадан туриб бошқариш, интернет-банкинг, СМС-банкинг каби интерфаол хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилаётир. Шунингдек, семинарда товарлар ва хизматларнинг электрон базаси (банки)ни шакллантириш, электрон тижоратнинг интернет-платформасини янада кенгайтириш, шу орқали жаҳон бозорига интеграциялашувни жадаллаштириш, маҳаллий маҳсулотларнинг электрон кўргазмасини ташкил этиш, ахборот-тўлов терминаллари (инфо-киоскалар)ни жорий этиш, бу борадаги нормаларни янада такомиллаштириш, уларнинг ижро самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва мулоҳазалар билдирилди. Чунончи, қонунчиликнинг тармоққа оид нормаларини такомиллаштириш, уларда бир қатор жиҳатларга эътиборни кучайтириш лозимлиги сиёсий партиялар фракциялари аъзолари томонидан алоҳида қайд этиб ўтилди.

*ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси Нуриддин Муродов*нинг айтишича, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига электрон тўловлар ва электрон тижорат тизимидан фойдаланиш имкониятини яратиб беришга қаратилган ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш долзарб маъно касб этади. Бунда СМС-банкинг, мобиль тўловлар тизимини жадал татбиқ этиш, шу билан бирга, электрон бизнеснинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини яратишга қаратилган дастур ва лойиҳаларни ишлаб чиқиш ҳам мақсадга мувофиқдир. Негаки, булар ЎзЛиДеП электорати манфаатларига хизмат қилади.

*Халқ демократик партияси фракцияси вакили Дилбар Холиқова*нинг фикрича, мазкур масалада ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ахборот ресурсларига оммавий уланишни таъминловчи инфратузилмани яратиш, шунингдек, ахборотлаштириш воситалари, ахборот маҳсулотлари ва хизматлари мониторинги ҳамда таҳлилини ўтказиш, соҳада стандартлаштириш, сертификатлаштириш ва лицензиялаш тизими ривожига алоҳида эътибор қаратмоқ лозим. Бу жараёнда, айниқса, истеъмолчилар ҳуқуқларини таъминлаш зарур.

*“Миллий тикланиш” ДП фракциясидан Илҳом Абдуллаев*нинг қайд этишича, амалдаги қонунларнинг ижро самарадорлигини таъминлашда миллий ахборот ресурслари ва технологияларини шакллантириш, интернетда ўзбек тилидаги манбаларни кўпайтириш, ўз навбатида, мамлакат салоҳиятини намойиш этувчи электрон маълумотлар базасини ривожлантириш айни заруратдир. Бундан ташқари, АКТ хизматларининг янги турларини яратиш ҳамда он-лайн савдо учун малакали кадрлар тайёрлашнинг ҳам вақти етиб келди.

*“Адолат” СДП фракцияси аъзоси Раъно Гайимова* асосий эътиборни замонавий телекоммуникация ва ахборот технологиялари аҳамияти жамият ҳаётида йилдан-йилга ошиб бораётганига қаратди. Унинг айтишича, интернет тармоғи орқали интерфаол хизматларни кўрсатишни ривожлантиришда нафақат тадбиркорлик субъектлари, балки аҳолининг барча қатламлари манфаатлари инобатга олиниши лозим. Бундан ташқари, электрон тўлов тизими самарадорлигини оширишда инновация дастур ва лойиҳаларини ишлаб чиқиш, ҳар бир оилани компьютерлаштиришга эришиш зарур.

Илмий-амалий семинарда кўрилган масалалар бўйича тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Саиджон МАХСУМОВ.**

# «ЎЗБЕКИСТОНДА СУВНИ ТЕЖАЙДИГАН ИННОВАЦИЯЛАР ҲАМДА УСУЛЛАРНИ КЕНГ ЖОРИЙ ЭТИШГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛМОҚДА»

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу соҳа вакили бўлганим учун сувнинг қадри энг қимматбаҳо металл — платинадан ҳам қиммат эканлигини бошқаларга нисбатан чуқурроқ англайман. Сабаби, Еримизнинг 75 фоизини сувли ҳудудлар ташкил этса-да, унинг атиги 2,5 фоизи истеъмол учун яроқли, деб топилган. Бунинг устига, тадқиқотлар 2030 йилга бориб сайёрамизда ичимлик суви ўта танқис бўлишини кўрсатаётир. Сувсизликдек оғир машаққат ҳозирнинг ўзидаёқ дунёнинг кўплаб мамлакатларини қийин аҳволга солиб қўйгани барчамиз учун огоҳлик қўнғироғи бўлиб янграмоқда. Пойтахтингиздаги ушбу халқаро тадбир ана шу бонгнинг салмоқли жаранги бўлди.

**Ания ГРОБИЦКИ,**
**Глобал сув шериклиги ташкилоти ижрочи котиби (Швеция):**

— Фаолиятим давомида жаҳоннинг кўплаб давлатларига борганман. Иш сафарлари асносида ичимлик суви, унинг таъминоти билан боғлиқ муаммолар тобора долзарблашиб бораётганининг гувоҳига айланаяпман. Зеро, “Сув қадрини саҳродан келгандан сўра” деган ҳикматли сўз замирида ҳам айнан шу масала мазмуни мужассам.

Бежизга Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 22 март — “Бутунжаҳон сув куни” деб эълон қилинмаган. Шу орқали дунё аҳолиси тириклик манбаидан одилона ва энг муҳими, келажак авлодни ўйлаб фойдаланишга чақирилган. Ўзбекистонда қадим-қадимдан обиҳаёт муқаддас саналиб келинган. Мустақиллик йилларида шу қадрият том маънода ривожланди. Бу борада қилинаётган амалий ишлардан хабарим бор. Пахта майдонлари қисқартирилгани, дарёлардан сув олиш ҳажми камайгани, экин майдонларининг мелиоратив ҳолатлари яхшиланиб бораётгани ана шулар жумласидандир. Булар, ўз навбатида, озиқ-овқат хавфсизлиги барқарорлигини мустаҳкамлаш, демакки, турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади. Шунингдек, сувни тежаш бўйича олиб борилаётган тарғибот-ташвиқот жараёнлари ҳам эътиборга лойиқ.

**Флавио ЛОУРЕС,**
**Халқаро ёввойи табиат жамғармаси мутахассиси (Италия):**

— Сувнинг ранги ва ҳиди йўқ. Лекин бу унинг қимматини туширмайди ва ҳеч кимга уни ҳуда-беҳудага сарфлаш ҳуқуқини бермайди. Шундай экан, табиатнинг бебаҳо неъматини асраш, севиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

Афсуски, башарият хатолари туфайли дунёда миллионлаб гектар ер майдонлари чўлланишга, минглаб ўсимлик, ҳайвон турлари йўқолиб кетишга юз тутмоқда. Бу инсон омили туфайли кузатилаётган иқлим ўзгариши ва сув танқислиги асоратларидир. Мана шундай нозик пайтда Ўзбекистонда тириклик манбаи софлигини сақлаш, шу орқали ёввойи табиатнинг бор жозибаси билан бўлажак авлодга етказиш борасида муайян ишлар амалга оширилаётгани таҳсинга лойиқ.

Чунончи, келгуси йилнинг март ойида Франциянинг Марсель шаҳрида бўлиб ўтадиган VI Умумжаҳон Сув форумига тайёргарлик бўйича Тошкент минтақавий конференцияси ҳам сув ресурсларини тежамкорлик билан ва оқилона ишлатишга чақирувчи манфаатли муҳокамаларнинг ёркин майдонига айланди.

**Бо ЛИБЕРТ,**
**БМТ Европа иқтисодий комиссиясининг атроф-муҳит масалалари бўйича маслаҳатчиси (Швейцария):**

— Ушбу конференцияда сув ва ундан фойдаланиш тизими хавфсизлигини таъминлаш, улар билан боғлиқ тарзда келиб чиқадиган табиий-антропоген офатларнинг олдини олиш, сув хўжалиги объектларидаги фавқулодда вазиятларни бартараф қилиш йўналиши бўйича маърузам билан иштирок этдим. Келтириб ўтган маълумотларим қатнашчилар томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Унда инсоният атрофида содир бўлаётган турли воқеа-ҳодисалар, жумладан, фожиалардан онгли равишда хулоса чиқариш қобилиятига эга эканлиги илмий-амалий жиҳатдан асослаб берилган. Бунинг учун биргина Россиянинг Саяно-Шушенск ГЭСида содир бўлган фалокатни эслашнинг ўзи кифоя. Қолаверса, йирик илмий доираларда сув ҳавзаларида гидроиншоотлар қай даражада катта қурилса, ундан кутиладиган хавфу хатар ҳам шу қадар улкан маъно касб этиши исботланган. Роғун ГЭСи эса бу борада энг йирик офат маконига айланиши ҳеч гап эмас. Масалан, у сейсмик фаоллиги 8-9 баллик ҳудудда жойлашган, бунинг устига у ерда сўнгги юз йилдан ортиқ вақт ичида йигирмадан ортиқ кучли зилзилалар кузатилган. Баландлиги эса ақл бовар қилмас даражада — 335 метр! Агар у билан боғлиқ тарзда бирор кор-ҳол рўй берса, бир нечта қўшни давлат ҳудудлари ва аҳолиси катта талафот кўради. У туфайли келиб чиқадиган сув танқислиги ҳақида гапириб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Ушбу минтақавий анжуманнинг характерли жиҳати — сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, гидрологик мувозанатни сақлаш, обиҳаётни асраш, қишлоқ хўжалиги соҳасини такомиллаштириш бўйича ўзаро фикр-мулоҳаза алмашиш имконини берди.

**Ш. ОРТИҚОВ,**
**М. САИДЖОНОВ**
**ёзиб олди.**

***Пойтахтимизда Ўзбекистон ва Германия ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперация биржаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда Германия иқтисодиётининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир Ўзбекистон — Германия савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалаларига бағишланди.***

# ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

Унда Ўзбекистон ва Германиянинг ташқи иқтисодий алоқалар, сармоя, ёқилғи-энергетика, машинасозлик, қишлоқ ва сув хўжалиги, юқори технологиялар ҳамда қурилиш каби соҳалар учун масъул вазирлик ҳамда идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Германия мамлакатимизнинг муҳим сиёсий ҳамда савдо-иқтисодий ҳамкорларидан бири, Ўзбекистон иқтисодиётига фаол сармоя киритаётган давлатлардандир. ГФР сармоядорлари иштирокида юртимизда умумий қиймати бир миллиард евродан зиёд кўплаб сармоявий лойиҳалар амалга оширилган. Икки мамлакат ўртасидаги алоқалар давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро даражадаги юздан зиёд ҳужжатга асосланади. Улар орасида сармоявий, молиявий, техникавий соҳалардаги ҳамда кадрлар тайёрлаш ва мутахассислар малакасини ошириш борасидаги ҳамкорликка оид битимлар бор.

Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида имзоланган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимга мувофиқ, савдо алоқалари борасида мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган. Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар муттасил ривожланмоқда. 2010 йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 338,6 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзбекистонда германиялик сармоядорлар иштирокида тузилган қарийб 130 қўшма корхона, Германия фирма ва компанияларининг олтмишга яқин ваколатхонаси фаолият кўрсатмоқда. Улар енгил саноат, тиббиёт ва фармацевтика, илмий тадқиқотлар, савдо, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, юк ва йўловчи ташиш ҳамда автомобиль хизмати каби соҳаларда иш юритади.

Кооперация биржасида Германиянинг бир қатор етакчи фирма ва компанияларидан вакиллар қатнашгани германиялик ишбилармонларнинг Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга қизиқиши тобора ортиб бораётганидан далолат беради.

— Ўзбекистонда ҳам, Германияда ҳам ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш учун барча омиллар мавжуд, — деди Германия иқтисодиётининг Марказий Осиёдаги ваколатхонаси раҳбари Йорг Хетч. — Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда фаол ва самарали иш юритиш учун кенг имконият ҳамда имтиёзлар яратилган. Ўзбекистон билан бошқа соҳалар қатори сармоявий йўналишда ҳам ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш тарафдоримиз.

Мазкур кооперация биржаси мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

**Мадина УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# САНОАТИМИЗ САЛОҲИЯТИНИНГ КЎЗГУСИ

***Кеча “Ўзэкспомарказ”да V Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг биринчи босқичи доирасида қишлоқ ва сув хўжалиги корхоналарининг тармоқ саноат ярмаркаси бошланди. Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 3 мартдаги “2011 йилда халқаро саноат ярмаркаси ва кооперацион биржани ташкиллаштириш ва ўтказиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори асосида ташкил этилди.***

Президентимиз ташаббуси билан анъанавий ўтказиб келинаётган Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси иқтисодиёт тармоқлари, айниқса, саноатимиз ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда. Гап шундаки, ярмарканинг узлуксиз фаолияти йўлга қўйилгани нафақат ҳудудий ва тармоқ ичида, балки тармоқлараро ва халқаро алоқаларни такомиллаштириш, ишлаб чиқаришга хориж инвестициясини жалб этиш, янги ҳамкорлар иштирокида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш имконини янада кенгайтирди. Шу маънода, мазкур тадбир, унинг очилиш маросимида таъкидланганидек, ишлаб чиқарувчи ва харидор ўртасида мустаҳкам кўприк вазифасини ўтаётир.

— Эндиликда ишлаб чиқарувчи харидор излаб юрмайди. Сабаби, ярмарка ишончли ҳамкорлар топишда муҳим механизмга айланди, — дейди “Ўздонмаҳсулот” акциядорлик компаниясининг бош мутахассиси Хайрулла Каримов. — Масалан, бу галги ярмаркада компаниямиз таркибига кирувчи 44 та корхона иштирок этаяпти. Улар 2012 йилда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар савдоси бўйича келишув шартномаларини имзолашмоқда. Тушаётган буюртмаларнинг кўплиги кооперация биржасида шартномаларнинг умумий қиймати 5 миллиард сўмликдан ошишидан далолатдир.

Шу билан бирга, корхоналар учун зарур эҳтиёт қисмлар ва технологик ишланмалар хариди бўйича буюртмалар ҳам берилаяпти. Бу, ўз навбатида, тармоқда маҳаллийлаштириш жараёнини тезлаштириш, импорт ҳажмини камайтиришга хизмат қилиши диққатга сазовор.

Ярмаркада Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, “Ўзбекенгилсаноат”, “Ўздонмаҳсулот” давлат-



акциядорлик компаниялари, “Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати”, “Ўзбекчармпойабзали”, “Ўзпахтасаноат” уюшмалари тизимидаги етакчи корхоналар, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўз маҳсулотлари билан қатнашмоқда. Улар томонидан таклиф этилаётган маҳсулотларнинг 273 тури ўтган йиллардаги тадбирларда имзоланган шартномалар асосида ишлаб чиқарилгани эътиборга лойиқ.

— Кейинги йилларда “Ўзбекчармпойабзали” уюшмаси тизимидаги корхоналарда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 20 та лойиҳа муваффақиятли амалга оширилди, — дейди уюшманинг етакчи мутахассиси Шуҳрат Алиев. — Натижада кўплаб янги маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилиб, уларнинг тури 500 тага етказилди. Бугун намойиш этилаётган махсус пойабзаллар, чарм-атторлик моллари, спорт буюмлари ва бошқа маҳсулотларимизга саноат корхоналарининг қизиқиши катта. Тадбирнинг биринчи кунидаёқ ўнлаб келишув шартномалари тузилгани бундай дейишимизга асос бўла олади. Мўлжалимиз — 10 миллиард сўмлик шартномаларни имзолаш.

Шу куни, шунингдек, таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникация корхоналарининг тармоқ саноат ярмаркаси ҳам ташкил этилди. Унда мазкур йўналишда фаолият кўрсатаётган 70 дан ортиқ йирик корхоналар ўз маҳсулотлари ҳамда хизматларини тақдим қилмоқда.

Кўргазма залларида намойиш этилаётган маҳсулотлар билан танишар экансиз, уларнинг аксарияти импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилгани билан эътиборингизни тортади. Бу саноатимиз жадал ривожланаётгани, экспорт салоҳияти юксалиб бораётганидан далолат беради. Бунда, табиийки, Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг алоҳида ўрни бор.

Тадбирларнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Арипов иштирок этди.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ (сурат),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# ОСУДА ТУРМУШ — ОЛИЙ САОДАТ

*Фарғонада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан “Замонавий таҳдидлар ва уларга қарши курашдаги ҳамкорлик” мавзуида сайёр давра суҳбати ташкил этилди. Унда қуйи палата депутатлари, вилоят ҳокимлиги, тегишли идоралар ходимлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.*

Бугун Юртбошимиз раҳнамолигида Ўзбекистонда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсат асосини тинчликпарвар ғоя, давлатлараро ва миллатлараро тотувлик, минтақа ҳамда дунёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашдек эзгу мақсадлар ташкил этиши халқаро миқёсда эътироф этилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг Марказий Осиёда тинчликни таъминлаш, халқаро терроризм, диний экстремизм ва фундаментализм, гиёҳвандлик, минтақавий можаролар, миллатлараро зиддиятлар, экологик муаммоларга қарши кураш борасидаги фикр ва ташаббуслари халқаро жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватланаётгани фикримизнинг ёрқин тасдиғидир.

**Давра суҳбати**

Анжуманда 1993 йилдаёқ Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида жаҳон жамоатчилиги эътиборини Афғонистон муаммосига қаратиб, бир қатор амалий таклифларни илгари сургани таъкидланди. Бу борадаги амалий таклифлар жаҳон афкор оммаси томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Чунончи, Президентимизнинг 2008 йили Бухарестда бўлиб ўтган НАТО/СЕАП саммити ҳамда 2010 йилнинг сентябрь ойидаги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган олий даражадаги ялпи мажлисидаги БМТ шафелигида “6+3” мулоқот гуруҳини ташкил этиш ташаббуси дунё ҳамжамияти эътиборига тушди.

Табиийки, халқаро муаммоларни ҳал этишда икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан мамлакатимиз Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий тиклаш учун кенг миқёсда ёрдам бераётганлиги давра суҳбатида алоҳида таъкидланди. Юртимиз жафокаш афғон халқи учун темир йўллар қуриш, электр энергияси етказиш, қазилма ишлари, ирригация тармоқларини бунёд этиш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва Афғонистон аҳолисини бир қатор кундалик эҳтиёж моллари билан таъминлашда яқиндан кўмак бермоқда.

Давра суҳбатида замонавий таҳдидлар, уларга қарши курашда Фарғона вилоятидаги давлат ҳамда жамоат ташкилотларининг ўрни ва ролига бағишланган маърузалар ҳам тингланди.

**Набижон СОБИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ҲАЁТИЙ ТАЖРИБА, БИЛИМ ВА ФАОЛЛИК

## сайланадиган оқсоқол ва унинг маслаҳатчиларининг самарали фаолият юритишларида муҳим аҳамиятга эга

*Наманган вилоятида ҳам муҳим ижтимоий-сиёсий жараён — ўзини ўзи бошқариш органлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари қизғин давом этмоқда. Шуни таъкидлаш керакки, сайловларга тайёргарлик жараёнида вилоятдаги 883 та фуқаролар йиғинлари етакчилигига 2649 нафар номзод кўрсатилган эди. Бугунги кунга келиб, вилоятдаги 312 та фуқаролар йиғинида сайловлар қонунийлик, очиқлик ва ошкоралик мезонлари асосида, фуқароларнинг фаол иштирокида ўтказилди.*

## Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Мазкур ижтимоий-сиёсий тадбирга катта эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Зеро, маҳаллалар ободлиги, унда рўёбга чиқарилаётган хайрли ишлар, кўп жиҳатдан, йиғин раислари ташаббускорлиги, одамларни хайрли юмушларга сафарбар эта олишига боғлиқ. Бундай фазилатларга эга оқсоқол ўз ҳудуди аҳолиси билан катта ишларни ҳам уддалайди. Шу боисдан наманганликлар фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига жиддий эътибор қаратиб, унда фаол иштирок этишмоқда. Буни Наманган туманидаги “3-Ғалча” маҳалла фуқаролар йиғини сайлови мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Маҳалла аҳолисининг 74 вакили уч нафар номзоддан муносибини танлашда уларнинг ишчанлиги, салоҳияти, сайловолди дастурларида илгари сурилган ғояларига эътибор қаратди, — дейди маҳалла ишчи гуруҳи раҳбари Солижон Раҳимов. — Шуни алоҳида қайд этиш керакки, номзодлар дастурларида маҳалламиз учун долзарб масалалар қамраб олинган. Уларда ҳудуд инфратузилмасини яхшилаш, маҳаллани ободонлаштириш ҳамда уни оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорлик марказига айлантириш бўйича асосли таклифлар илгари сурилган. Вакиллар мазкур таклифларнинг ҳаётга қандай жорий этилиши билан қизиқдилар.

Таъкидлаш керакки, ўзини ўзи бошқариш органларининг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги ўрни, иштироки тобора юксалиб бормоқда. Уларнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, янги иш ўринлари яратиш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси ҳам буни тасдиқлаб турибди. Ушбу ишларни муваффақиятли амалга оширишда тажрибали ва билимли оқсоқолнинг ўрни катта, албатта. Шу боис вилоятдаги бошқа маҳаллаларда ҳам сайловларни ана шу даражада ўтказиш юзасидан муайян ишлар қилинмоқда. Зеро, фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари лавозимларини муносиб кишилар эгаллаши ислоҳотларни самарали олиб бориш имконини беради.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА ИЖТИМОИЙ МУНОСАБАТЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бундай моделда ижтимоий низолар келиб чиққанда, давлат ҳакам ёки воситачи ролида қатнашиши мумкин. Энг ривожланган трипартизм — уч томонлама ҳамкорлик Франция, ГФР, Швеция ва Австрияда мавжуд бўлиб, унда давлат фаол ижтимоий шерик ролини бажаради.

Ўз навбатида, мамлакатимизда ижтимоий шериклик ҳуқуқий асосларининг бугунги ҳолатини ўрганиш мазкур соҳа Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланганлигини кўрсатади. Бундан ташқари, “Жамоат фондлари тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддасида белгиланишича, фондларнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатлари ижтимоий шериклик, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш асосида қурилади. Давлат органлари фондларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайдилар, фондларнинг ижтимоий аҳамиятга молик дастурлари ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлашлари мумкин. Шу билан бирга, давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фондлар фаолиятига аралашишига, худди шунингдек, фондларнинг давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятига аралашишига йўл қўйилмайди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 28-моддасида кўрсатилишича, иш берувчиларнинг жамоат бирлашмалари ихтиёрий жамоат ташкилотлари сифатида тузилади ва иш олиб боради, уларнинг мақсади иқтисодиётни ва тадбиркорлик ташаббусини ривожлантириш ҳамда самарадорлигини ошириш, шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, касаба уюшмалари, ходимларнинг бошқа вакиллик органлари билан ўзаро муносабатларда корхоналар ва улар мулкдорларининг манфаатларини ифода этиш йўли билан ижтимоий шерикликни амалга ошириш, хўжалик ва меҳнатга оид муносабатлар соҳасида уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборатдир. Меҳнат кодексининг 52-моддасида белгиланишича, жамоа келишувларида ижтимоий шериклик ҳамда уч тарафлама ҳамкорликни ривожлантириш, жамоа шартномаларини тузишга кўмаклашиш, меҳнат низоларининг олдини олиш, меҳнат интизомини мустаҳкамлаш тўғрисидаги қоидалар назарда тутилиши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, юқорида санаб ўтилган қонун ҳужжатларида фақатгина умумий нормалар ўрнатилган бўлиб, ижтимоий шерикликни амалга оширишнинг аниқ механизм ва тартиби етарли даражада мукаммаллаштирилмаган. Бу эса қонун ижодкорлари томонидан тегишли ҳуқуқий асослар қабул қилинишини тақозо этади. Хусусан, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонунда бир қатор нормаларни акс эттириш мақсадга мувофиқ.

Аввало, ушбу қонунда ишлатиладиган асосий тушунчалар таърифини, амалга ошириш механизмини, предметини, ижтимоий шерикликнинг шартномавий-ҳуқуқий шаклини, шунингдек, субъектларини ўз ичига оладиган умумий қоидаларни белгилаш лозим. Айни пайтда қонуннинг мақсади сифатида фуқаролик жамияти институтлари ўртасида ҳамкорликнинг турли хил шаклларини ривожлантириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, Ўзбекистон тарихи ва маданиятининг ёдгорликларидан биргаликда фойдаланиш, уларни ҳимоя қилиш ва тиклаш, ўзбек халқининг маънавий анъаналарини ва урф-одатларини, шунингдек, миллий маданий ўзига хослигини сақлаб қолиш ва уни ривожлантириш, хайрия фаолиятини тараққий эттириш каби муносабатлар бўлиши мақсадга мувофиқ.

Шу билан бир қаторда, иқтисодий ўзгаришларнинг ижтимоий йўналтирилган сиёсатини таъминлаш, ижтимоий меҳнат ва улар билан боғлиқ иқтисодий муносабатларни тартибга солишнинг самарали механизмини таъминлаш, жамият барча қатламлари манфаатларини холис ҳисобга олиш асосида жамият барқарорлигини таъминлаш, жамоавий музокаралар, тарафларнинг икки томонлама маслаҳатлашувларини ўтказиш, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва мазкур қонунга мос равишда келишувлар, жамоа шартномаларини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, жамоавий меҳнат низоларини олдини олиш ва низоларни ҳал этишга кўмаклашиш каби вазифаларни белгилаш лозим.

Қолаверса, музокара қатнашчиларининг манфаатларини ҳурмат қилиш ва уларни ҳисобга олиш, шартномавий муносабатларда иштирок этишда келишаётган тарафларнинг манфаатдорлиги, ижтимоий шерикликни демократик асосда мустаҳкамлаш ва ривожлантиришда давлатнинг кўмаклашиши, ижтимоий шериклар ва уларнинг вакиллари томонидан халқаро нормаларга, қонунчиликка амал қилиниши, ижтимоий шериклар ва улар вакилларининг ваколатлари, тарафларнинг тенглиги ва муносабатлардаги ишонч, бир-бирининг ишига аралашмаслик, ижтимоий шериклик соҳасига кирувчи масалаларни танлаш ва муҳокама қилиш эркинлиги, ижтимоий шериклар томонидан мажбуриятларни ўзаро келишув асосида қабул қилишнинг ихтиёрийлиги каби принципларни белгилаш лозим.

Умуман олганда, Концепцияда илгари сурилган “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши ижтимоий-иқтисодий тараққиёт дастурларини амалга оширишда, гуманитар муаммоларни ҳал этишда, мамлакат аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқи, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат органларининг давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро муносабати ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришнинг тўлақонли ҳуқуқий таянчи бўлиб хизмат қилади.

**Эркин ҲАЙИТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими.**

ЖАҲОН

## 24 соат ичида

***Тобора оммалашиб бораётган "Facebook" ижтимоий тармоғи маъмурияти реклама орқали оладиган даромад миқдорини янада оширмоқчи.***

### Даромад икки ҳисса ошади

Яъни ўтган йили ушбу йўналишда 1,8 миллиард АҚШ доллари миқдорида даромад кўрилган бўлса, жорий йилда мазкур кўрсаткични 3,5 миллиард долларга етказиш кўзда тутилган. Агар "Facebook"нинг режаси амалга ошса, асосий рақобатчилари ҳисобланган "Google" ва "Yahoo!" каби интернет-гигантларини ортда қолдиришга муваффақ бўлади.

Экспертларнинг фикрича, ҳозирча "Facebook"нинг реклама соҳасидаги рентабеллиги мазкур компаниянарникига нисбатан бир оз пастроқ экан.

### Осмонўпар иморат

***Бирлашган Араб Амирликларида дунёдаги энг баланд тураржой биноси фойдаланишга топширилди, дея хабар тарқатди "International Business Times" нашри.***

Дубайнинг Марина туманида бунёд этилган мазкур осмонўпар бинонинг баландлиги 348 метр бўлиб, 86 қаватдан иборат. Уни қуришга қарийб 182 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланган. "Машъала" номини олган ушбу иморат БААда қурилган биринчи баланд тураржой биноси эмас. Чунки олдинроқ бу ерда "Минора" дея аталган 323 метрлик шундай иншоот қад ростлаганди.

Таъкидлаш керакки, ҳозир осмонўпар бино бунёд этиш борасида мазкур мамлакат дунёда биринчи бўлиб турибди. Масалан, 2010 йилнинг январида фойдаланишга топширилган кўп тармоқли "Бурж Халифа" минорасининг баландлиги 828 метрга тенг.

### Рақобатда енгиб чиқмоқчи

***Жаҳонда электр қуввати билан ҳаракатланувчи автомобилларга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда.***

Сабаби, бундай автоуловлар атроф-муҳит мусаффолигини сақлашга хизмат қилиши билан муҳим аҳамиятга эга. Германия 2020 йилга қадар ана шундай машиналардан бир миллион дона ишлаб чиқаришни режалаштирмоқда. Бу ҳақда мамлакат канцлери Ангела Меркель таъкидлаб ўтган. Меркель хоним гарчи бу борада Осиё мамлакатлари билан кучли рақобат кузатилса-да, Германия етакчиликни ўз қўлига олишига ишонишини айтиб ўтган.

### Энг йирик харид

***АҚШнинг "Microsoft" корпорацияси "IP" — телефония хизмати ҳисобланган "Skype" сервисини сотиб олганини маълум қилди.***

"Microsoft" мазкур харид учун 8,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ йўналтирган. Шу тариқа "Skype" алоҳида бўлим сифатида корпорация таркибида фаолият олиб боради. Шунингдек, унинг амалдаги раҳбари Тони Бейтс ҳам ўз лавозимида қолади.

"Microsoft" бош ижрочи директори Стив Балмер бу компания тарихидаги энг йирик харид сифатида қайд этилганини айтиб ўтди.

*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*

# ЭЗГУЛИККА ЙЎҒРИЛГАН МАҚСАД

***Тинчлик-тотувлик ва сиҳат-саломатлик асрлар давомида ўз аҳамиятини йўқотмай келаётган тушунчалардир. Бугунги глобаллашув даврида осойишталик ва соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш янада долзарб маъно касб этмоқда. Зеро, сайёрамизнинг турли нуқталарида кузатилаётган урушлар, табиий офатлар ҳақидаги хабарлар ҳар биримизни огоҳ бўлишга, мусаффо осмон остида ўтаётган фаровон ҳаётимизнинг қадрини янада теранроқ англаб етишга ундайди.***



Бинобарин, бугунги кунга келиб бир қатор халқаро ташкилотлар дунёда тинчликни мустаҳкам қарор топтириш, халқлар ўртасида ҳамжиҳатлик, дўстлик, ҳамкорликни юксалтириш, инсонлар ҳаёти ва саломатлигини муҳофаза қилиш, умумбашарий қадриятларни таъминлашга кўмаклашиш жараёнида фаол қатнашиб келмоқда. Улар орасида Халқаро Қизил хоч қўмитаси (ХҚХҚ) алоҳида ўрин тутади. Мазкур ташкилот ўз сафида 100 миллион нафарга яқин ходим ва кўнгиллиларни бирлаштирган Қизил Хоч ҳамда Қизил Яримой Халқаро ҳаракатининг ажралмас қисми ҳисобланади. Ушбу Ҳаракат таркибига дунёнинг деярли ҳар бир мамлакатида фаолият юритаётган Қизил Хоч ва Қизил Яримой жамиятлари, Қизил Хоч ҳамда Қизил Ярим ой жамиятлари халқаро федерацияси ва Халқаро Қизил хоч қўмитаси киради. Уларнинг барчаси мустақил ташкилот бўлиб, ўз Низомига эга ҳамда бири бошқасига бўйсунмайди. Анъанага кўра, Ҳаракат аъзолари икки йилда бир марта Вакиллик Кенгаши мажлисига йиғиладилар. Шунингдек, ҳар тўрт йилда бир марта Ҳаракат вакиллари ва Женева конвенцияларининг иштирокчиси бўлган давлатлар вакилларининг конференцияси ўтказилади. Ҳаракат қуйидаги еттита Асосий тамойилга қатъий риоя қилади.

Биринчи тамойил — инсонийлик, у низолар ва бошқа фавқулодда вазиятлардан жабрланганларнинг барчасига, ҳеч бир истисносиз, бирини бошқасидан ортиқ ёки кам кўрмасдан, баб-баравар ёрдам кўрсатиш билан белгиланади. Иккинчиси, беғаразлик — миллий, ирқий, диний, синфий белгилар ёки сиёсий маслакка кўра фарқламасдан, одамларга тамасиз ёрдам қилиш ва бунда, биринчи навбатда, эҳтиёжмандларга кўпроқ кўмак бериш назарда тутилади. Учинчиси, бетарафлик — барчанинг ишончини сақлаб қолиш мақсадида можаролар пайтида ўзаро низода бўлган томонларнинг бирортасига ҳам ён босмасликни билдиради. Тўртинчиси, мустақиллик — Ҳаракат таркибидаги ҳар битта ташкилотнинг, айниқса, миллий жамиятларнинг ўз давлати қонунларига бўйсунишса-да, фаолият юритишда эркинлигини англатади. Бешинчиси, ихтиёрийлик — бундай фаолият замирида ҳеч қачон фойда кўришга интилиш ётмайди. Олтинчиси, бирлик — бир мамлакатда фақат битта миллий жамият бўлишини ва у ҳамма учун очиқлигини англатади. Еттинчиси, универсаллик — ҳаракатнинг умумжаҳонийлиги, барча миллий жамиятлар тенг ҳуқуққа эгалиги ва бирбирларига ёрдам кўрсатиши шартлигини англатади.

Қизил хоч ва яримой тимсолларининг ҳам ўз вазифаси бор. Улар муайян тоифадаги шахслар, жумладан, ҳарбий-тиббий ходимлар, миллий жамиятлар кўнгиллилари, ХҚХҚ делегатлари, санитария тузилмалари ва транспорт воситалари ҳимоя остига олинганлигини кўрсатиб турувчи восита ҳисобланади.

Шу ўринда ушбу ташкилотлар орасидаги Халқаро Қизил хоч қўмитаси ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Унга 1859 йилда асос солинган. Ўшанда Швейцария фуқароси Анри Дюнан Италиянинг Сольферино шаҳарчаси яқинида рўй берган жанг даҳшатларига гувоҳ бўлиб, қалби ларзага келади. Жангдан сўнг қаровсиз ташлаб кетилган ҳар икки тараф ярадорларининг ҳаётини асраб қолишга киришади. Ён-атрофдаги қишлоқлар аҳолисига мурожаат этиб, бу ишда кўмаклашишларини сўрайди.

Ватанига қайтиб келгач, ана шу хотиралари ҳақида китоб ёзади. Ўз ижод маҳсули орқали урушларда яраланган ёки азият чекканларни ҳимоя қилувчи кўнгилли жамиятлар тузиш ҳамда уларни халқаро миқёсда тан олиш имконини берувчи ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш тўғрисидаги таклифларни илгари суради. 1863 йилда Женевадаги "Ижтимоий фаровонликни рағбатлантириш хайрия жамияти" шундан келиб чиққан ҳолда, "Ярадорларга ёрдам кўрсатиш қўмитаси"ни ташкил этади. Кейинчалик унинг номи Халқаро Қизил хоч қўмитаси деб аталадиган бўлди. Ўрни келганда шуни эслатиб ўтиш жоизки, инсонпарварлик руҳи билан суғорилган хатти-ҳаракати учун Анри Дюнан 1901 йилда ташкил этилган Тинчлик бўйича илк Нобель мукофотига сазовор бўлган эди.

1864 йилда қабул қилинган "Ҳаракатдаги армияларда ярадорлар ва беморларнинг қисматини яхшилаш тўғрисида"ги Женева конвенцияси инсонпарварлик кўрсатишни қонунлаштириш йўналишидаги дастлабки халқаро ҳуқуқий ҳужжат бўлди. Кейинчалик, яъни 1949 йилда тўртта, яъни ҳаракатдаги армиялар ярадорлари ва беморлари қисматини енгиллаштиришга қаратилган Биринчи Женева конвенцияси, денгиз қуролли кучлари таркибига кирувчи ярадорлар, беморлар ва кема ҳалокатига учраган шахсларнинг қисматини енгиллаштиришга бағишланган Иккинчи конвенция, ҳарбий асирлар билан муомала қилишга бағишланган Учинчи конвенция, уруш пайтида тинч аҳолини ҳимоя қилишга қаратилган Тўртинчи конвенция ҳамда 1977 йилда қабул қилинган уларга Қўшимча иккита протокол халқаро инсонпарварлик ҳуқуқини мустаҳкамлаш имконини берди. 2011 йил февралдаги ҳолатга кўра, юқорида тилга олинган ҳужжатларни 194 та давлат ратификация қилган.

ХҚХҚ узоқ йиллардан бери қуролли можаролар қурбони бўлган фуқароларни ҳимоя қилиш ва уларга ёрдам бериш, бедарак йўқолган шахсларни қидириш, бири-биридан ажралиб қолган оила аъзолари ўртасида хат-хабарлар алмашувини ташкил этиш, уларни озиқ-овқат, ичимлик суви билан таъминлаш, тиббий ёрдам кўрсатиш, халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи ҳақидаги билимларни ёйиш ва унинг нормаларига риоя қилинишини назорат қилиш каби вазифаларни шараф билан бажариб келмоқда. Қароргоҳи Швейцариянинг Женева шаҳрида жойлашган қўмитанинг 80 дан ортиқ мамлакатдаги ваколатхоналари ана шу масъулиятли ишни амалга оширишда ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Қисқача айтганда, асосий тамойилларни асраб-авайлаш жараёнларида фаол қатнашмоқда.

**Жараён**

Хабарингиз бор, бугун ҳам Ер шарининг қатор минтақаларида уруш-жанжаллар кузатилмоқда. Кўпинча бундай ҳолатлар тинч аҳолининг оммавий кўчишига олиб келади. Улар кўпинча бор мол-мулкини ташлаб кетадилар. Хавфсиз бошпана топиш илинжида кўп қийналишади. Ҳаттоки, тўс-тўполон даврида ота-оналарнинг фарзандларидан, ёш болаларнинг ота-она ва яқинларидан айрилиш ҳоллари қайд этилади. Кексалар қаровсиз қолиб кетади. Бунинг устига, жабрланганлар қорин тўйғазиш, тиббий хизматдан фойдаланиш каби бирламчи эҳтиёжларини қондириш имкониятидан маҳрум бўладилар. Инсониятни бундай шафқатсиз синовлардан олиб ўтишда инсонпарварлик ташкилотларининг, жумладан, халқаро ҳамжамият биргаликда қабул қилган халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи (ХИҲ)нинг роли жуда муҳим.

Хўш, халқаро инсонпарварлик ҳуқуқининг мазмуни нимада? Мазкур ҳуқуқ қуролли низолар пайтида уруш ҳаракатларида бевосита қат-



нашмаётган ёки унда қатнашишни тўхтатган шахсларни ҳимоя қилишга қаратилган қоидалар мажмуасидир. Қўмитанинг ёрдам кўрсатишга қаратилган асосий тадбирларидан кўзланган мақсад ҳам одамларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, касалликлар, жароҳатлар, озиқ-овқат етишмовчилиги, бошпанасизлик каби салбий оқибатларни бартараф этиш, аҳолининг мустақил турмуш кечириш қобилиятини иложи борича тезроқ тиклаб олишига кўмаклашишдир. Кўрсатилаётган шошилинч ёрдам бу каби ўткир муаммоларни юмшатишга имкон беради. Бунда қуролли низо туфайли танг аҳволга тушиб қолганларга иқтисодий ёрдам кўрсатилади, энг зарур кундалик эҳтиёж маҳсулотлари етказиб берилади, ишлаб чиқаришни қайта барпо этиш ва ривожлантиришга қаратилган дастурлар асосида хўжаликни тиклашга кўмаклашилади. Бу борада қўмитанинг "Сув таъминоти ва яшаш шароитлари" номли дастури катта аҳамиятга эга. Шу асосда уруш-можароларидан азият чекканлар ичимлик ва уй-рўзғорда ишлатишга яроқли сув билан таъминланади.

Маълумки, қуролли тўқнашувлар туфайли сув таъминоти тизимининг издан чиқиши ошқозон-ичак, вабо ва терлама каби касалликларнинг кескин кўпайиши, қурғоқчилик ва озуқа экинлари ҳосилининг пасайиши, оммавий кўчиш ҳамда давлатнинг обрўси тушиб кетишига олиб келади. Шунинг учун ХҚХҚ каби инсонпарварлик ташкилотлари сув етказиб беришни ўзларининг муҳим вазифаси, деб билади. Аниқроқ қилиб айтганда, бундай пайтларда сув тозалаш иншоотлари, водопроводларни таъмирлаш, қудуқлар қазиш, дренаж тизимларидан фойдаланиш, уларни қўриқлаш, сув минoралари қуриш, ичимлик сувини тозалаш ва тақсимлаш, оқова сувларни тозалаш, чиқиндиларни қайта ишлаш, тиббий муассасалар ҳамда мактабларни тиклаш, санитария-гигиена шароитларини яхшилаш, касаллик ташувчи зараркунандаларга қарши курашиш, энергия истеъмолини камайтириш ва унинг муқобил турларини қўллаш бўйича чора-тадбирлар кўрилади.

Яна бир муҳим йўналиш тиббий хизмат кўрсатишдир. Уруш боис тиббиёт муассасалари вайрон бўлади. Бунинг устига, ярадорлар, юқумли касалликлар билан оғриганлар ва очлиқдан азоб чекаётганлар сони кўп бўлади. Дори-дармон, жиҳоз ва мутахассислар етишмаслигидан, айниқса, ҳомиладор аёллар, болалар ҳамда кексалар қаттиқ азият чекадилар. Қўмитанинг бу борадаги дастурлари орқали можаролардан жабр тортганларга профилактик ва даволаш хизматлари кўрсатилади. Тиббий инфратузилмаларни тиклаш, ходимларни ўқитиш, эпидемиология назорати ўтказиш, эмлаш, дори-дармонлар, даволаш воситалари ва ускуналарини етказиб бериш, зарурат бўлганда, чет эллик шифокорлар бригадаларини бу ишга жалб этиш, ярадорларга дастлабки тиббий ёрдам кўрсатиш, кўнгиллиларга бу ишни ўргатиш шулар жумласидандир. Шунингдек, пиёдаларга қарши миналар ва бошқа қурилмаларнинг портлаши натижасида ногирон бўлиб қолганларнинг жисмоний ва руҳий тикланишига ҳам ёрдам кўрсатилади. Бунда қўмита маҳаллий ҳокимият органлари иштирокига таянади.

ХҚХҚ инсонпарварлик ҳуқуқини ривожлантириш ва унга янги нормалар киритишга кўмаклашиб, урушдан жабр тортганлар муҳофазасини янада самарали ташкил этишга ҳаракат қилмоқда. Шу мақсадда турли кенгаш ва конференциялар ўтказиш одатга айланган. Бу борадаги мақсадларни амалга оширишда қўмита давлат идоралари, халқаро ва нодавлат ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Улар орасида БМТнинг Қочоқлар иши бўйича олий комиссари бошқармаси, Жаҳон озиқ-овқат дастури, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, ЮНИСЕФ, Европа Иттифоқи, Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Африка бирдамлик ташкилоти, Америка давлатлари ташкилоти, Парламентлараро иттифоқ кабилар бор.

Мамлакатимизда ХҚХҚнинг минтақавий ваколатхонаси 1992 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда. 1993 йили давлатимиз Женева конвенциялари ва унга қўшимча протоколларга қўшилди. Бу мамлакатимиз ва ушбу нуфузли халқаро ташкилот ўртасидаги ўзаро мустаҳкам ҳамкорликнинг асосидир. Халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи қоидаларини аҳолининг кенг қатламлари ўртасида тарғиб қилиш борасида олиб борилаётган ишлар бунинг ёрқин далилидир.

2011 йил 15 апрелда Ўзбекистон Миллий университетида "1997 — 2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида халқаро инсонпарварлик ҳуқуқи асослари ҳақидаги билимларни ёйиш бўйича якуний ахборот"нинг тақдимоти бўлиб ўтди. Тақдимотда хусусан, 1990-йиллардаёқ таълим муассасаларида ушбу қоидалар асосларини ўқитиш мақсадга мувофиқ, деб топилганлиги эслатиб ўтилди. Шунинг учун 1997 йили Халқ таълими вазирлиги билан қўмита ўртасида "Инсон ва жамият" фани орқали ўқувчиларга халқаро инсонпарварлик ҳуқуқининг моҳияти ҳақида чуқур маълумот берувчи ўқув қўлланмаси яратиш ҳақида келишиб олинган эди. Мамлакатимизнинг бир гуруҳ мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган ўқув қўлланмаси тажриба-синовдан ўтказилиб, тасдиқланди. 1999 йилда навбатдаги шартнома асосида китоб ўзбек, рус, қорақалпоқ ва тожик тилларида 630 минг нусхада чоп этилди ҳамда юртимиздаги барча умумтаълим муассасаларига тарқатилди. Икки ўқув йили мобайнида 2100 нафардан ортиқ ўқитувчилар учун ушбу фан йўналишида ўқув-услубий семинарлар ташкиллаштирилиб, улар замонавий педагогик технологиялар билан таништирилди. 2000 йилдан бошлаб ўқувчилар билимларини янада мустаҳкамлаш мақсадида "Шахс ва жамият" фани бўйича уч босқичли республика танловлари ўтказиб келинди. 2005 йили мазкур фаннинг барча мавзуларини ўз ичига олган янги ўқув қўлланмаси нашрдан чиқди. Унинг молиявий харажатлари қўмита томонидан қопланди. Айни пайтда ушбу ўқув қўлланмасидан ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимида фойдаланиб келинмоқда. Қолаверса, ҳозирги пайтда ХҚХҚнинг таълим дастурлари бўлими билан ТДПУ, Бухоро ва Фарғона давлат университетлари ўртасида яхши ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. ЎзМУ қошидаги Олий педагогика институти билан ҳамкорликда уч марта "Шахс ва жамият" фанини ўқитишнинг долзарб масалалари" мавзуида республика илмий-амалий конференциялари ўтказилиб, иштирокчиларга зарур тавсиялар берилди. Бундан ташқари, "Чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик" фани бўйича ўқув қўлланмаси ва мультимедиавий ўқув материаллари тайёрлашда ваколатхона томонидан ахборот кўмаги кўрсатилди.

Мухтасар қилиб айтганда, ХҚХҚ халқаро майдонда, хусусан, Марказий Осиё мамлакатларининг ҳар бирида ўз инсонпарварлик фаолиятини юритаётган Қизил Яримой жамиятлари билан мустаҳкам ҳамкорликда ўзига билдирилган ишончни оқлаш йўлида муносиб ҳаракат қилмоқда.

**Ҳанифа ШАМШИЕВА.** t

# ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

***Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли халқимизнинг муносиб ҳаёт кечириши таъминланаяпти. Бу борада аҳолини иш билан таъминлашга қаратилган чора тадбирларнинг аҳамияти катта.***

Сурхондарё вилоятида жорий йилнинг биринчи чорагида 153 минг 200 нафар киши ишга жойлаштирилгани ва уларнинг аксарияти кичик бизнес субъектлари ҳиссасига тўғри келгани шундан далолат беради.

Айтиш жоизки, вилоятда аҳолини ишга жалб қилишда уларни янги мутахассисликка ўқитиш, касбга йўналтириш, бандликка кўмаклашиш марказлари масъулиятини ошириш, иш берувчиларнинг меҳнат қонунчилигига риоя этишларини таъминлаш сингари тадбирларнинг уюштирилаётгани муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

— Авваллари қишлоғимиз аҳолиси фақат боғдорчилик билан шуғулланган бўлса, эндиликда корхоналарда меҳнат қилишмоқда, — дейди Олтинсой туманидаги Ипоқ қишлоғилик Парда Облоқулов. — Масалан, яқинда бу ерда тадбиркор Муродали Абдуллаевнинг ташаббуси билан "Азия-пласт-Олтинсой" номли янги корхона иш бошлади. Унда тайёрланаётган 15 турдаги полиэтилен қувурлари, асосан, ёшлар меҳнати самараси эканлигини кўриб фахрланасан, киши.

**Бандлик**

— Янги иш ўринларининг аксарияти оилавий бизнес ҳисобига яратилаётганини ҳам эътиборга молик, — дейди вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси бошлиғи Эркин Менглиев. — Уларга молия муассасалари томонидан имтиёзли тарзда кредитлар ажратилаётгани, айниқса, қўл келмоқда. Нега деганда, уч ой давомида хусусий секторни молиявий қўллаб-қувватлаш учун тижорат банклари ва бошқа манбалар ҳисобидан 113 миллиард сўм миқдорида маблағ йўналтирилди. Умуман, жорий йилда тижорат банклари томонидан оилавий бизнесни ривожлантириш учун 154 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимизда меҳнатнинг яна бир тури — касаначилик ҳам жадал ривожланмоқда. Бугунги кунда вилоятда 688 та шундай иш ўрни мавжуд бўлса, жорий йилнинг биринчи чорагида яна 2531 нафар киши касаначи сифатида корхоналар билан меҳнат шартномаси тузгани бунинг исботидир.

Дарҳақиқат, юртимизда аҳолини иш билан таъминлаш, фуқароларни ижтимоий ҳимоялашга долзарб масала сифатида қаралаётгани оилаларга қут-барака олиб кириб, уларнинг турмуши янада фаровон бўлишига хизмат қилаётир.

**Нормурод ТЕМИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**Янгилик**

***Қуйи Чирчиқ туманида қоғоз-картон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Улуғ жаҳон барака" қўшма корхонаси фаолияти йўлга қўйилди.***

## Сомондан қоғоз

Тадбиркор Равшан Охунов банкдан олган 300 миллион сўмлик кредити ҳамда хорижлик ҳамкорларнинг 310 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағи эвазига бунёд этилган ва кунига 15 тоннагача маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган ушбу корхона энг замонавий хориж ускуналари билан жиҳозланди. Айни пайтда бу ерда 30 нафардан зиёд қишлоқ ёшлари иш билан банд.

Эътиборли томони, маҳсулот учун хом ашё сифатида оддий сомондан фойдаланилмоқда. Бу корхонага иқтисодий самара келтириш билан бир қаторда, маҳсулотнинг юқори сифати ва харидоргирлигини таъминлаётир.

**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ.**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти жамоаси етакчи илмий ходим Абдусамад Васидовга волидаи муҳтарамаси
**Гулшан ая ВАСИДОВАнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси "Ўзбекистон" радиосининг "Спорт дастурлари" муҳарририятида узоқ йиллар давомида фаолият олиб борган спорт шарҳловчиси
**Тўлқин ИЛҲОМОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.












